

“Медиа майдонида телевидениенинг ўрни ва аҳамияти”

Санъатшунослик фанлари номзоди

Ф.Файзиева

Аннотация. В этой статье наблюдается контакт между ТВ и общественностью и процессом влияния на мировоззрение аудитории.

Annotation. In this article there is observed contact between TV and public and process of affect on audience's thoughts.

Kalit so'zlar. аудиовизуал, вертуал, публицистика, коммуникация, репродуктив.

Ключевые слова. аудиовизуал, вертуал, публицистика, коммуникация, репродуктив.

Key words. audiovisual learner, virtual, journalism, communication, reproductive.

Телевидение ўзига хос тарихга эга ахборот тармоғи сифатида мавжуд анъаналарни давом эттириб янги услубий изланишлар асосида фаолиятини юритмоқда. Ҳаётимизга жадал кириб келган интернет тармоғи унинг янгилик олишдаги энг қулай воситалардан бирига айланишга улгурди. Телевидение хусусида фикр юритар эканмиз Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситаси ходимлари куни муносабати билан йўллаган табригида “Энг тезкор ва таъсирчан ахборот воситаси бўлмиш Интернет журналистикасига, уни ҳар жиҳатдан чуқур эгаллашга бўлган интилишнинг тобора кучайиб бораётгани миллий матбуотимизнинг халқаро медиа майдонда ўз муносиб ўрнини топиши учун муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда”.¹ Телевидение бошқа санъатлардан устунлигини унда берилаётган ахборотнинг аудиовизуал ҳолатда томошабинга узатиши билан белгилаш ўринли. Ҳақиқатда телевидение томошабиннинг ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириши

¹ <http://uza.uz/uz/politics/22691/> Matbuot va ommaviy axborot vositalari xodimlariga 27.06

баробарида тасвир орқали бир зумда уни воқеанинг гувоҳи ва иштирокчисига айлантира олади. Бу ўз ўрнида оммавий аудиториянинг кенгайишига олиб келади. Ахборот узатиш қамровининг ҳажми ва таъсирчанлиги юқори бўлган телевидение вертуал маконда ўз мавқеига эга. Жумладан Миллий телерадиокомпания телеканаллари дастурларида тайёрланаётган кўрсатувлар барча катлам томошабини учун мўлжалланганлиги билан эътиборли. Унда юртимизда кечаётган ислохотлар самараси, ёшларга оид давлат сиёсати қаратилган кўрсатувлар ўзининг долзарблиги билан ажралиб турса, уй бекалари ва болалар учун тайёрланадиган кўрсатувлар янги даврий мавзуларни қамрашни таъкидлаш ўринли.. Телевидение ўзида сиёсат, маънавият ва маърифат масалаларини ёритиш, тарғиб қилиш ҳамда репродуктив намоёниш қилиш имкониятига эга бўлган қудратли воситадир. Шунингдек телевидение оммавий ахборот ва коммуникатив восита бўлиш билан чегараланиб қолмай телевизион санъат яратиш имкониятига эга эканлигини амалиёт ва тажрибалар кўрсатган. Муستакиллик даврига келиб телевидение инфорацион ва коммуникацион фаолиятини йўқотмаган ҳолда телевидение бадиий имкониятларини янада кенгайтира бошлади. Адабиётга мурожаат кучайди. “Дарёдан томчи” рукнидаги ҳаётий воқеаларнинг бадиий кўриниши сифатида кичик-кичик сахна кўринишлари, теленовелла, видеофильмлар томошабин назаридан четда қолмади. Айнан шу каби постановкалар уларнинг маънавий эҳтиёжларини тўлдирувчи воситага айланди. Бу жараён телевизион кўрсатувлардаги жанрий ўзгариш ва ривожланиш учун асос бўлди.

Бугунги кунда телевидение жуда тез ривожланиб бораётган соҳа бўлиб унда фаолият юритаётган ҳар бир ижодкорга катта вазифа ва масъулият юклайди. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси тасарруфидаги мавжуд телеканалларнинг сони ортиб бориши баробарида соғлом рақобат юзага келмоқда. Бу табиий ҳол. Зеро, ҳар бир телеканалнинг ўз олдига қўйган аниқ мақсад ва вазифалари бўлса-да унда томошабинни ушлаб қолиш вазифаси туради. Томошабин ўз навбатида хоҳиш эҳтиёжига

караб телеканаларни танлаш ва томоша қилиши мумкин. Томошабин аудиторияси ҳам кенг 3 ёшдан катта бўлган ҳар бир киши телетомошабин эканлигини социологик тадқиқотлар аллақачон аниқлаган. Шундай экан ҳар бир қатлам томошабинларининг маънавий, маърифий, сиёсий, ижтимоий ва эстетик эҳтиёжларини қондириш телеижодкорларнинг олдидаги долзарб вазифалардан бири саналади. Масалан, телевидение ўз фаолиятини оммага ахборот улашиш билан бошларкан, дастурлари давомида аҳоли қатламининг маънавий ҳошиш, талаб ва эҳтиёжларини қондириб боради. Болалар учун мультфильм, кўрсатувлар, уй бекаси ва нафақадагилар учун телесериаллар, ижтимоий қатлам вакиллари учун маънавий-маърифий дастурлар кундалик эфир вақтини эгаллайди.

Телевидениенинг кенг омма билан мулоқоти ҳақида фикр юритганимизда у фақат битта маънога эга бўлган телевидение ва томошабин ходисаси билан кифояланмай миллионлаб томошабинларнинг дунёқарашига таъсир кўрсатадиган жараёни назарда тутамиз.

Телевидение ахборотдан ташқари санъатнинг бошқа турлари хусусан кино, театр ва мусиқанинг репродуктив ва коммуникатив шаклида иш юритиб ахборот, тарғибот ва эстетик тарбиянинг турига айланди ва тараққиётдан шу кунга қадар бадий ва публицистик тарзда ўзига хос метод ва воситаларга ёндошиб халққа эстетик маънавий озуқа улашувчи кўзгуга айланди. Мустақиллик йилларида яратилган режиссёр Мақсуд Юнусовнинг Чўлпон асари асосидаги “Кеча ва кундуз” видеофильми халққа роман асосида янги телевизион асар тақдим қилиш билан бирга уларни ўйлашга, фикрлашишга, бахслашишга ундади. Бу эса телевидениенинг ютуғи ва бадий жанрнинг ривожини учун кўшилган хиссадир. Телевидениенинг ижод маҳсули бўлган янги публицистик жанр моҳияти жиҳатидан ранг баранг фактларни, социологик воқеага фалсафий ёндошувни ўз ичига олади ва тадқиқ қилади. Режиссёр М.Махамметовнинг ёзувчи Ҳ.Султонов қаламига мансуб “Мозийдан бир саҳифа” видеофильми бадий публицистик жанрда бўлиб, унда ўзбек романчилигининг асосчиси

А.Қодирий биографияси асосида ҳикоя қилиш асносида кишилар руҳиятидаги эски андозалардан қочишга ҳаракат қилинади.

Гарчанд бадиий телевидениеда жанрий ривожланиш йўлидаги изланишлар бугунги кунда ҳам давом этаётган бўлса-да телевизион бадиий жанр элементларини мужассамлаштирган асарларга телевидение камолотидан дарак берувчи асарлар, деб эътироф этиш мумкин